Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 19 апрель, сешанба № 76 (21.680). Сотувда эркин нархда.

ЛИ ПЭН ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

18 апрель куни Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши раҳбари Ли Пэн расмий ташриф билан Тошкентга келди.

Аэропортда Ли Пэн жаноблари билан рафиқасига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов рафиқаси билан пешвоз чиқди. Миллий либосдаги қизлар Хитой ҳукумати раҳбари ва унинг ҳамроҳларига баҳор чечакларини тақдим этдилар.

Юксак мартабали меҳмон қаршисида Ўзбекистон Республикаси миллий гвардияси вакиллари — фахрий қоровуллар саф тортди. Икки мамлакат Давлат мадҳиялари янгради.

Шундан сўнг Ислом Каримов ва Ли Пэн оммавий ахборот воситалари вакилларига қисқача баёнот бердилар.

— Мен қадимий ва жаҳонга машҳур Тошкент шаҳрига келганимдан хурсандман, — деди Хитой раҳбари. — Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 1992 йилда юртимизга ташрифи дўстона алоқаларимиз тарихида янги саҳифа очган эди. Бизнинг ташрифимиз давомида имзоланадиган ҳужжатлар бу алоқаларни янада мустаҳкамлайди, иқтисодий ҳамкорлигимизни янги босқичга кўтаради, деб умид киламан.

Мамлакатимиз Президенти Хитой Давлат Кенгаши раҳбарини ташрифи билан самимий қутлар экан:

— Ли Пэн жанобларининг сиёсий, иқтисодий, савдо ва маданий алоқаларимиз тобора ривожланаётган бир даврда юртимизга ташрифи Ўзбекистон — Хитой муносабатларида янги қадам бўлади, — деди. Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларнинг илдизи «Буюк ипак йўли» даврига бориб тақалади.

Олий мартабали меҳмонни Тошкент кўчаларида минглаб шаҳарликлар ва пойтахтимиз меҳмонлари олқишлар билан кутиб олдилар.

(ЎзА).

СУРАТЛАРДА: Тошкент аэропортида ҳурматли меҳмонни тантанали кутиб олиш пайти.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ ва А. ИЛЕСОВ (ЎзА) олган суратлар.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ФАОЛЛАРИ ЙИҒИЛИШИ

НУКУС. Бу ерда Қорақалпоғистон Республикаси фаоллари йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Бухоро вилояти кенгаши сессиясида ва вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимлари билан учрашувидаги сўзлаган нутқларидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Бу ҳақда Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши раиси Уббиниёз Аширбеков маъруза қилди.

Маърузачи ва музокараларда қатнашганлар Бухоро вилоятидаги камчилик ва нуқсонлар Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туманларида, давлат ва жамоа хўжаликларида, ишлаб чиқариш корхоналарида содир бўлаётганлигини алоҳида таъкидладилар. Шу билан бир қаторда жойларда меҳнат интизомини бўшаштириб юборилаётганлиги, ҳозирги бозор муносабатларига ўтиб ишлаётган бир пайтда топширилган ишларга нисбатан талабчанликнинг сезилмаётганлиги, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдаги камчиликлар, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати ниҳоятда пастлиги танқид қилинди.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов нутқ сўзлади. Муҳокама қилинган масалалар юзасидан кенгайтирилган қарор қабул қилинди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА МАЖЛИСИ

1941 — 1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлди. Уни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, ташкилий қўмита раиси И. Жўрабеков бошқарди.

Мажлисда Президентимизнинг ана шу санани муносиб нишонлаш юзасидан қабул қилган Фармонига мувофиқ ишлаб чиқилган байрамни ўтказиш дастури муҳокама этилди. Ғалаба куни келгуси йил 9 майда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади. Республикамиз пойтахтида шу санага бағишланган тантанали йиғилиш ва ҳарбий парад ўтказилади.

Дастурда иккинчи жаҳон урушида ўзбекистонликлар кўрсатган жасоратнинг аҳамияти мавзуида илмий конференциялар ўтказиш, саҳна асарлари, ҳужжатли ва бадиий фильмлар намойиш этиш, Алишер Навоий номидаги миллий боғда ва вилоят марказларида театрлаштирилган томошалар ташкил қилиш, шунингдек, эсдалик совғалари ва нишонлар чиқариш, хотира китоби нашр этиш кўзда тутилган.

Мажлисда Республика Марказий банки, Молия вазирлиги Фахрийлар ташкилотлари уюшмаси кенгаши ҳузурида уруш фахрийларига ва фронт орқаси меҳнатчиларига ёрдам берувчи махсус ҳисоб очиши, турли вазирлик ва идоралар, корпорация ва концернлар, уюшмалар, корхона ва ташкилотлар, хусусий шахсларнинг пул улушлари ва хайр-эҳсонларини ана шу ҳисобга ўтказиш мақсадга мувофиқлиги айтилди.

Мажлисда Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов, республика Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев қатнашди.

(ЎзА).

МОСКВА УЧРАШУВИ: ҲАМФИКРЛИК САРИ ҚИЙИН ЙЎЛ

Ҳамдўстлик давлатлари бошлиқларининг Москвадаги учрашуви қисқа, лекин жуда самарали бўлди. Унда йигирмадан ортиқ муҳим ҳужжат имзоланди. Бу ҳужжатлар МДҲ мамлакатларида ўзаро фойдали ҳамкорлик ва иқтисодиётни барқарорлаштириш учун кенг истиқболлар очиб бериши шубҳасиз.

Одатдагидек, олий даражадаги учрашув арафасида жуда кўп хилма-хил фараз-лар айтилган эди. Баъзилар Мустақил давлатлар раҳбарларининг учрашуви ҳеч қандай натижа бермайди, деб ҳисоблаган бўлса, бошқалар: сурункали тангликдан чиқиш учун куч-ғайратларини бирлаштирадиган пайт келди, деган фикрни айтди. Улар Евроосиё иттифоқини тузиш ташаббусини кўтариб чиққан Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевнинг яқинда берган баёнотига ҳам асосланган эди. Давлат бошлиқлари учрашувида бу масала умуман ўртага қўйилмади.

— Эски тузумга қайтишга йўл йўқ ва қайтилмайди ҳам, — деди Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов журналистлар билан суҳбатда. — Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг истиқболи бор эканига ишонаман. Ҳозир ҳаёт мураккаблиги аён, албатта. Аммо, олдинги тизимга қайтиш — ҳаммадан аждралиб, ўз қобиғига ўралиб қолиш сингари ҳалокатлидир. Фақат битта йўл бор. Бу — бирор томон зўравонлик қилмайдиган ва тазйиқ ўтказмайдиган ўзаро муроса ва ўзаро фойдали ҳамкорлик йўлидир.

Москва учрашуви чоғида Россия ва Украина ўртасида икки ва уч томонлама ёпиқ музокаралар ҳам бўлиб ўтди. Бу музокаралар Қора денгиз флоти ва Қрим тўғрисида, шунингдек, Россия воситачилигидаги Арманистон ва Озарбайжон муносабатлари хусусида эди. Бу учрашувларнинг нақадар муҳимлиги ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. У жойларда тўхтовсиз давом этаётган можаролар пировард натижада янада фожиалироқ воқеаларни келтириб чиқариши мумкин. Бунга эса мутлақо йўл қўйиш мумкин эмас.

Нима бўлганида ҳам, бу қадар кўп ҳужжатнинг имзоланиши учрашувнинг аҳамиятини кўрсатиб турибди. Давлат бошлиқлари ҳамфикрликка эришдилар. Ҳозир бундай ҳамфикрлик бўлмаса, ҳамкорлик қилиш қийин. Ўзбекистон Президентининг фикрича, ҳужжатларнинг тез имзоланиши — кўп жиҳатдан экспертларнинг яхши ишлагани, улар ортгирган тажриба билан боғлиқ.

Энди бевосита ҳужжатларнинг ўзига мурожаат қилайлик. Украина раҳбари Леонид Кравчук ўз мамлакати номидан иқтисодий иттифоқ-ка уюшган аъзо ҳуқуқи билан қўшилишга қарор берди. Бунинг маъноси нима? Украина бошқа масалаларни муҳокама қилишда ҳал қилувчи овозга эга бўлмайди, лекин унинг иқтисодий бирлашиш жараёнларида иштирок этишига кафолат берилади.

Доимий ишлайдиган давлатлараро иқтисодиёт қўмитасининг тузилиши ҳам жуда муҳим аҳамиятга молик-дир. У фақат мувофиқлаштирувчи маҳкама бўлиб қолмай, маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчиларнинг манфаатларини жуда самарали равишда уйғунлаштиришга қодир бўлган жипслаштирувчи куч бўлиб қолиши керак. Бу қўмита тузилиши муносабати билан яна бир ҳужжат — эркин савдо маконини барпо этиш тўғрисидаги ҳужжат имзоланди. Бу ҳужжатлар ҳар қандай божхона тўловларини бекор қилишни, солиқ тизимини соддалаштиришни ҳамда МДҲ мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган бошқа ғовларни олиб ташлашни назарда тутади.

Бўлиб ўтган учрашувнинг энг муҳим жиҳатлари тўғрисида гапирганда, миллий ёки этник жиҳатдан, тили ва дини жиҳатидан камчиликни ташкил этувчи шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш конвенциясига тўхталмаслик мумкин эмас. Ўзбекистон бу ҳужжатга имзо чеккани табиий ҳолдир. Тафсилотларга тўхталмай шуни айтиш керакки, модомики сиз мустақил давлат фуқароси экансиз, туб миллатга мансуб бўлмасангиз ҳам, бошқалар каби кафолатларга эга бўласиз. Дарвоқе, республикамизнинг Асосий Қонуни — Конституция миллати ва диний эътиқодидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг ана шундай ҳуқуқларини таъминлайди.

— Ҳозирги кенгаш якунларидан мамнунман, — деди Россия Президенти Борис Ельцин. — Муҳокама қилинаётган масалаларнинг мураккаблигига қарамай, биз вужудга келган муаммоларни ҳал қилиш йўлларини топа олдик. Эндиликда биз ҳамкорлик ва ҳамфикрликка асосланган муносабатларнинг сифат жиҳатидан янги босқичига чиқмоқдамиз.

Москва учрашувида мудофаа муаммоларига алоҳида эътибор берилди. Давлат бошлиқлари муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилган эди: «Коллектив тинчлик кучларининг Тожикистон Республикасида бўлиш муддати, таркиби ва вазифалари ҳақида», «Коллектив тинчлик кучлари қўмондони тўғрисида», «Россия Федерацияси, Марказий Осиё ва Кавказорти давлатларининг учинчи мамлакатлар билан чегараларини қўриқлашда ҳамкорлик қилиш хусусидаги музокараларнинг бориши тўғрисида». Рўйхатнинг ўзиданоқ кўриниб турибдики, бу муаммоларни ҳаётнинг ўзи биринчи даражали қилиб қўйган. Нима бўлганида ҳам, мустақиллик — «Ўз хонадонидан чиқмай ўралашиб қолиш», деган гап эмас. Ҳамдўстликдаги айрим давлатлар эса, ана шу йўлдан бормоқда.

Россия пойтахтидаги учрашув ҳам мунозарасиз ўтмади. Тожикистон — Афғонистон муаммосининг хавфсизлигини таъминлаш тўғрисидаги масалада Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов ғалати йўл тутди. У бундай деди: «Бу икки давлат муаммосидир, шундай экан, Туркманистон бу масалани ҳал қилишда қатнашмайди...».

Бу гап бошқа давлат бошлиқларига қандай таъсир қилганини билмайман, лекин Ислом Каримов одатдагидек қатъий ва очиқ-ойдин гапирди.

— Қўшни давлат чегарасининг менинг мамлакатим чегарасига дахли йўқ, дейиш хато, — деди у. — Тожикистон тажрибаси бунинг яққол исботидир. Биродаркушлик уруши, бегуноҳ кишиларнинг қурбон бўлиши — Тожикистондаги мухолифликнинг ачинарли якунидир. Ўзбекистон бу тоғли ўлкадаги вазиятни тезроқ барқарорлаштириш тарафдори бўлиб келди ва ҳозир ҳам шундай. Бундан бошқа йўл йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳозирги пайтда Тожикистон — Афғонистон чегараси Ўзбекистоннинг ҳам, Туркманистоннинг ҳам, Россиянинг... чегарасидир. Бу чегарани мустаҳкамлаш барча Ҳамдўстлик давлатларининг бурчидир.

Россия пойтахтида ана шундай масалалар кўриб чиқилди... Давлат бошлиқларининг учрашуви арафасида ҳукумат бошлиқлари тўпланиб, кўпгина ҳужжатларни имзолаган эдилар. Улар орасида энг муҳимлари — ишлаб чиқариш, тижорат, кредит-молия, суғурта ва миллатлараро аралаш бирлашмалар барпо этиш ва ривожлантиришга кўмаклашиш тўғрисидаги битим лойиҳаси, тўлов иттифоқи концепцияси тўғрисидаги, аҳолининг кўчиши ва кўчиб келган меҳнаткашларни ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик қилиш ҳақида Улуғ Ватан уруши иштирокчилари ва ногиронлари, бошқа давлатлар ҳудудидаги уруш ҳаракатлари қатнашчилари, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилалари учун ўзаро имтиёзлар ва кафолатлар тўғрисидаги ҳужжатлардир.

Ҳамдўстлик давлатлари бошлиқларининг навбатдаги учрашуви тугади. Учрашув қандай ўтганидан қатъи назар, барча раҳбарлар бошқа давлатлардан ажралиб ёлғиз яшаш қийинлигини, уммон ортидан пул қарз бериш тўғрисидаги ваъдалар иқтисодиётни таназзул ҳолатидан чиқара олмаслигини англаб етдилар. Ҳали ҳал қилинмаган муаммолар бор, лекин уларни ҳал этишдан ўзни четга олиш мумкин эмас. Туяқушнинг хавф пайдо бўлганда ҳеч нарсани кўрмаслик учун бошини қумга тиқиб туриши уни қутқариб қола олмайди! Имзоланган ҳужжатлар қоғозда қолиб кетмайди, балки иш беради, деб умид қиламиз. Афсуски, илгари бундай ҳоллар кўп бўлган эди...

Л. ЛЕВИН, ЎзА махсус мухбири. Тошкент — Москва — Тошкент.

«ҲАЁТ ВА ҚОНУН»НИНГ ИЛК СОНИ

Республика Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонида, жумладан, «Ҳаёт ва қонун» журналини чиқариш кўзда тутилган эди. Ана шу журналнинг биринчи сони босмадан чиқди.

Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолиятини яхшилашга кўмаклашиш, халқимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини юксалтириш йўлида хизмат қилиш — ойноманинг асосий мақсадидир.

Журнал республика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халиловнинг муштарийларга йўллаган табриги билан очилган. Адлия вазири А. Мардиевнинг «Мустақиллигимиз нишонаси», республика конституциявий суди раиси вазифасини бажарувчи, конституциявий назорат қўмитаси раиси Ш. Ўразаевнинг «Конституциямизнинг дунёга келиши», Бош прокурор Б. Мустафоевнинг «Прокурор назорати — амалда», Олий суд раиси У. Мингбоевнинг «Суд ҳокимияти» мақолаларида Ўзбекистонда давлатчиликнинг тикланиши, ҳаётнинг барча соҳаларида қонунларнинг устунлигига эришиш мақсадида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз боради.

Ойнома 10.000 нусхада нашр этилган.

(ЎзА).

ВИЛОЯТ ФАОЛЛАРИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

Наманган вилояти фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда Республика Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 12 апрелдаги «Тошқин, сел оқимларини оқизиб юбориш ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ бўлган ҳалокатли оқибатларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди. Мазкур масала юзасидан вилоят ҳокими Б. Рапиғалиев маъруза қилди. Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков нутқ сўзлади. Тегишли қарорлар қабул қилинди.

Раҳимжон ИРИСОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ТОШҚИН ХАВФИ ЧЕКИНДИ

Навоий вилоят фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда шу йил апрель — май ойларида тоғларда қор тез эриши ва ёғин-сочин кўп бўлиши оқибатида вилоятда юз бериши мумкин бўлган тошқин ва сел хавфининг олдини олиш масалалари муҳокама этилди. Вилоят ҳокими А. Айдарқулов шу ҳақда маъруза қилди.

Маърузачи ва сўзга чиққанлар кўпчиликни ташвишга солаётган Айдарқўлнинг тошиш хавфи чекингани, ҳозирга қадар 49 отар ва кўпгина ҳонадонлар кўчирилгани, дамба кўтариш давом этаётганини таъкидладилар. Айни вақтда Нурота, Хатирчи, Қизилтепа ва Навоий туманларида хатарли оқибатларга сабаб бўлиши мумкин бўлган табиий офатнинг олдини олиш ишларини амалга оширишда сусткашликка йўл қўйилмоқда. Айрим жойларда суғурта идоралари ходимлари томонидан табиий офат келтирган зарарни камайтириб кўрсатиш ҳоллари учрамоқда. Бунга эса асло йўл қўйиб бўлмайди.

Йиғилишда республика қишлоқ хўжалиги вазири Н. Қаюмов, «Ўзсувқурилиш» концерни бошлиғи И. Юсупов қатнашди.

* * *

Тошкент шаҳри фаоллари йиғилишида ҳам юз бериши мумкин бўлган тошқинларнинг олдини олиш чора-тадбирлари муҳокама этилди. Шаҳар ҳокими А. Фозилбеков шу ҳақда маъруза қилди.

(ЎзА).

ТУМАН КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Бўка тумани фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда ташкилий масала кўрилди. Қ. Элчибоев бошқа ишга ўтгани муносабати билан туман ҳокими вазифасидан озод этилди. Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари бўлиб ишлаб келган Б. Махситов Бўка тумани ҳокими этиб тайинланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов, Тошкент вилояти ҳокими М. Икромов сўзга чиқди.

(ЎзА).

ГАЗЛИ ТАФТИ—ТЎРТКЎЛДА

Қорақалпоғистон Республикаси жанубидаги Тўрткўл, Беруний ва Элликқалъа туманларига «Газли — Нукус» қувури орқали она заминимиз «зангори олов»и етиб келди. Бу ердаги 30 дан ортиқ саноат ва 250 коммуналмаиший хизмат корхоналари, 26 жамоа ва давлат хўжалиги, минг-минглаб хонадонларга ҳар кеча-кундузда 1,5 миллион куб метр газ берила бошлади.

Ҳозир «Газли — Нукус» қувури иккинчи навбати қурилиши авж олдирилмоқда. Қорақалпоғистон йил охиригача бутунлай ўзбек гази билан таъминланади.

(ЎзА).

• *Партия фаоллари минбари*

КЕНГГА КЕНГ ДУНЁ

Партиямиз сиёсати ҳар бир фуқаронинг миллати ва дини, эътиқоди ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, баркамол ҳаёт кечириши учун кенг имкониятлар яратиб беришга қаратилгандир. Бизнинг туман партия кенгашида ҳам бу борада муайян ишлар олиб борилмоқда. Айниқса, ҳозирги даврда кишиларнинг энг муҳим ҳаётий эҳтиёжларини қондириш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишнинг турли йўллари изланмоқда. Кам таъминланган, кўп болали ва боқувчисини йўқотган оилаларга моддий ва маънавий кўмак беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сайлаб қўйилган партия органлари аъзолари, фахрийларимиз тез-тез меҳнат жамоаларида бўлишиб, одамларнинг кайфиятларини ўрганмоқдалар. Улар бошланғич партия ташкилотларининг ташаббуси билан қийналиб қолган кишиларга яқиндан ёрдам бермоқда. Фикримни биргина мисол билан тасдиқламоқчиман: «Эллиққалъа» овули ҳудудий бошланғич партия ташкилотининг ташаббуси билан хўжалик ҳисобидан тўй ва бошқа маросимлар ўтказадиган оилаларга моддий ёрдам берилмоқда.

Партия, меҳнат ва уруш фахрийларига қорамол ҳамда парранда боқишлари учун икки тоннадан ем-хашак, икки юз килограммдан дон тарқатилди. Ногиронларнинг уйлари бепул таъмирланди. «Тоза Амиробод» ҳудудий бошланғич партия ташкилоти ҳам ана шундай хайрли ишларга бошқош бўлмоқда. Жамоа хўжалигида истиқомат қилаётган 1184 та оиланинг ҳозирги аҳволи, яшаш шароити чуқур ўрганиб чиқилди. Улардан 25 та оилага 29 бош қорамол, 535 та оилага 4275 та парранда арзон баҳода сотилди. Кам даромадли тўртта оилага 71 минг сўм пул, 23 та оилага 2,1 тонна гуруч, 38 та оилага 5,3 тонна буғдой тарқатилди. Жамоа хўжалигидаги 13 нафар ёлғиз яшовчи кишиларнинг ҳолидан мунтазам хабар олиб турилмоқда. Бошланғич партия ташкилоти маҳаллий бошқарув органлари билан ҳамкорликда қўшимча ишчи ўринлари ташкил этишга, кичик корхоналар очиб, аҳолининг кундалик эҳтиёж молларига талабини қондиришга ҳаракат қилмоқда. Кенгга кенг дунё, деган гап бор. Биз партия фаоллари қўлимиздан келган барча яхшиликларни, ҳимматни халқимиздан аямаслигимиз, улар корига ярашга ҳаракат қилишимиз керакки, буни кундалик ҳаётнинг ўзи тақозо этяпти.

Бугунги кунда туман партия ташкилоти ҳисобидаги 2100 дан ортиқ партия аъзоси 56 та бошланғич ташкилотга бирлашган ҳолда фаолият кўрсатмоқда. Туман партия кенгаши фақат сиёсат билан шуғулланиб қолмасдан, хўжалик ишларига ҳам аралашмоқда. Туманимизнинг иқтисодий, ижтимоий ривожланишига партия аъзолари бўлган халқ ноиблари, хўжалик, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари орқали ўз таъсирини ўтказмоқда.

Кенгаш пленумлари ва ижроия бюро мажлисларида бугунги ижтимоий-сиёсий вазиятда партия ташкилотлари ва партия аъзоларининг муҳим вазифалари, иқтисодий ислоҳотларни жойларда амалга оширишни тарғиб қилиш, республикамиз Президенти, партиямиз Раиси И. А. Каримовнинг олиб бораётган тўғри сиёсатини кенг оммага тушунтириш масалалари қизғин муҳокама этилмоқда.

Туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда халқимизнинг дастурхонини тўкин-сочин қилиш юзасидан ҳам амалий ишлар қилинмоқда. ХДП туман кенгаши ўтган йили баҳорда ҳар бир оилада юзтадан жўжа, бир сигир бўлишини таъминлаш ташаббуси билан чиққан эди. Бу ҳозирги шароитда ҳар бир оила дастурхонида сут-қатиқ, парҳез таом—товуқ гўшти ва тухуми бўлишига замин ҳозирлайди.

Ўзбекистон ХДП туман кенгаши аҳолининг муаммоларини ҳал этишга, одамларнинг оғирини енгил, мушкулини осон қилишга ҳаракат қилмоқда. Уларнинг орасида бўлиб, мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга партия фаоллари сафарбар қилмоқда. Тарғибот-ташвиқот ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда. Айниқса, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Миллий истиқлол мафкурасини оммага тушунтириш бўйича оммавий-сиёсий ишлар тобора қизитилмоқда.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонун ҳам партия аъзолари томонидан чуқур ўрганилди. Ҳозир туман партия кенгаши томонидан белгиланган тадбирлар асосида жойларда ташкилий-сиёсий ишлар амалга оширилмоқда. Бўлажак сайловларда қатнашадиган фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, уларнинг вазифалари тўғрисида тушунтириш ишлари бошлаб юборилди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг кадрлар сиёсати тўғрисидаги кўрсатмаларини изчил амалга оширишга ҳаракат қилинмоқда. Туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда, маҳаллий бошқарув органлари билан келишилган ҳолда кадрларни тавсия қилиш, уларни тайёрлаш ишларига дадил аралашмоқдамиз. Жойларда бошланғич партия ташкилотларининг фикрлари инобатга олинмоқда. Туманимизда ташкилот, корхона ва хўжаликларнинг барча раҳбарлари Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзолари эканликлари ҳам фикримиз далилидир.

Одамларда бизга бўлган ишонч катта. Улар иқтисодий ислоҳотларнинг натижаларига, халқимизнинг турмуш даражаси яхшиланишига умид билан қарамоқдалар.

Асосий эътиборни қуйи ташкилотлар ташаббускорлигини оширишга, уларнинг партиявий-сиёсий ишларни амалга оширишдаги масъулиятини кучайтиришга қаратяпмиз. Бу ўз самарасини бермоқда, албатта. Кейинги пайтда бошланғич ташкилотлар партия сафларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бермоқда. Ишлаб чиқаришда илғор, намунали ёш йигит-қизларни партия сафига қабул қилиб, уларда бугунги кунда мустақил Ўзбекистонимизнинг келажаги учун астойдил меҳнат қилиш ҳиссини уйғотишга, ватанпарварлик туйғуларини қарор топтиришга ҳаракат қилинмоқда.

Фарҳод ИБОДУЛЛАЕВ,
Эллиққалъа тумани партия кенгаши биринчи котиби.

• *Маънавият ва замон*

Республикамизнинг мустақил давлат сифатида 150 га яқин мамлакатлар томонидан тан олиниши халқимиз ҳаётида катта тарихий воқеадир. Бу кунга биз тасодифан ва осонгина етиб келмадик. Уни ҳеч ким бизга ҳадя ҳам этган эмас. Мустақилликка халқимиз кўп йиллар давом этган жиддий ва машаққатли курашлар эвазига эришди.

АМАЛИЙ ҚАДАМЛАР ФУРСАТИ

Кейинги вақтда баъзи республикаларда рўй бераётган жараёнлар ижтимоий фанларга бўлган муносабатда ҳам салбий фикрлар ҳосил қилаётгани сир эмас. Шуни ғурур билан айтишимиз жоизки, республикамизда содир бўлаётган ижобий ўзгаришлар ижтимоий фанлар тараққиётини таъминлаяпти.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўзбек халқи модий ва маънавий маданиятининг ривожланиши бир текис амалга ошган эмас. Унда бир неча бор юксак чўққиларга кўтарилиш ҳам, уйғониш даврлари ҳам, аксинча, тушкунлик паллалари ҳам бўлган. Инсоният тараққиёти ҳар доим узлуксиз ва бир текис бормаслиги табиий. Тарихда баъзан турғунлик, эришилган ютуқлар билан чекланиш, маданиятнинг баъзи соҳаларида депсиниш ҳоллари ҳам бўлиб туради. Буни биз ўз халқимизнинг Октябрь инқилобидан кейинги йиллар кечмишидан ҳам яққол кўришимиз мумкин. Халқимизнинг маданий-маънавий ҳаётида Октябрь инқилобидан кейинги йилларда рўй берган ўзгаришлар кўп қирали, жиддий, мураккаб ва зиддиятли жараён бўлиб, шу даврнинг ўзига хос ижобий ва салбий томонлари билан ажралиб туради.

Энг аввало шуни қайд этишимиз керакки, халқимизнинг фидокорона меҳнати туфайли биз 75 йил ичида маориф, маданият, фан тараққиётида муайян ютуқларни қўлга киритдик. Халқимиз саводсизликдан холи бўлди, миллий зиёлилар шаклланди. Кўп асрлик тарихга эга бўлган ўзбек адабиёти, санъати ва маданияти равнақ топди.

Шу билан бир қаторда шўролар мамлакатида бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам шахсга сиғиниш ва турғунлик даврларида рўй берган ижтимоий адолатсизлик ва бузилишлар, маъмурий буйруқбозлик асосидаги бошқариш усуллари жамият тараққиётига ҳар тарафлама салбий таъсир қилганлигини эътироф этмасдан ўтиб бўлмайди. Сўнгги ярим аср давомида биз тилимиз, маданиятимиз, тарихимизга беписанд қарадик, ўтмишимизни қоралаш ва камситишдан нарига ўтмадик. Бир неча минг йиллик маданий меросимизни, миллий тилимизни, тарих, анъаналар, урф-одатларимизни унута бошладик. Жаҳон халқлари маданиятининг ажралмас қисми бўлган ислом динини зўр бериб қораладик, диний адабиётларни, масжид ва мадрасаларни йўқ қилдик. Диндорлар маънавий таҳқирланди, ҳуқуқлари чеклаб қўйилди. Халқимизнинг урф-одатлари, анъаналари, «Наврўз» ва шу каби байрамлар оёқ ости қилинди. Тарихимиз юзаки ва бир томонлама ўрганилди.

Эндиликда шуларнинг ҳаммасига чек қўйилмоқда. Президентимиз қайд этганидек маънавий ҳаётимизда уйғониш юз берди.

Бир сўз билан айтганда, ўзимизни англадик, ўзлигимизга қайтдик. Маданий соҳада шиддат билан рўй бераётган туб ўзгаришлар туфайли халқимизнинг миллий онги, миллий ғурури, миллий ифтихори ўсиб, маънавий дунёси кундан-кунга бойиб бормоқда.

Бугун қилинадиган юмушларимиз ҳам кўп. Энг аввало, мактабларимизнинг ўқув дастурларини қайта кўриб чиқиб, уларни мазмунан янгилаш ва миллий тус бериш, ёш авлоднинг келажаги устида бош қотиришимиз керак. Мустақилликни мустаҳкамлаётган юртнинг мактаби ҳам мустақил бўлмоғи лозим. Бунинг учун ўқув режаларини янги тафаккур асосида қайта кўриб чиқиш, республикамизнинг ҳаётига мослашган дастурлар яратишимиз керак. Бизнинг мактабимиз ҳам, ўқув қўлланмаларимиз ҳам бошқа республикалардан ажралиб туриши лозим. Унда ўтмиш меросимиз, урф-одатимиз ва миллий қадриятларимиз, анъаналаримиз тўлиқ ўз акси топиши зарур.

Институтлар ва ўрта махсус билим юртларининг ҳам фаолиятини жумҳуриятимиз эҳтиёжларига ва бозор иқтисодиётининг талабига мувофиқлаштира боришимиз керак. Бу соҳада ҳал этишини кутиб турган муаммолар оз эмас. 1992 йил 2 июлда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунида давлат тасарруфида бўлмаган таълим муассасаларининг фаолияти эътироф этилган. Ҳозирги кунда ширкат, хусусий ҳамда бошқа мулкчилик шакллари асосида ривожланаётган бозор муносабатлари янгича фикрлайдиган мутахассисларга муҳтож бўлмоқда. Уларнинг эҳтиёжини қондиришда давлат бюджети асосида фаолият кўрсатиб келаётган олий ва ўрта махсус ўқув юртларига нисбатан ўзини ўзи иқтисодий жиҳатдан таъминлайдиган давлат тасарруфида бўлмаган ўқув муассасалари катта аҳамият касб этиши шак-шубҳасиздир. Президентимиз томонидан шу йил 21 январда имзоланган тадбиркорликни янада ривожлантиришга қаратилган фармон асосида давлат тасарруфида бўлмаган таълим муассасалари фаолиятига кенг йўл очиб берилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Мустақиллик халқимизнинг маданий савиясини янада юксалтириш учун барча имкониятларни яратиб берди. Энди миллий маданиятимиз тақдири ўз қўлимиздадир. Шуни эътиборга олиб, бу соҳага таалуқли бўлган барча вазирликлар, идораларнинг ҳамкорлигида миллий маданиятни ривожлантиришнинг янги дастурини ишлаб чиқсак, назаримизда таҳсинга лойиқ иш бўларди. Токи илмий асосда тайёрланган бу дастурда халқимиз маданиятини ривожлантиришга оид бўлган барча масалалар ўз аксини топсин.

Юқорида кўрсатилган ва бошқа долзарб масалаларни ҳар томонлама илмий ўрганиб чиқиш ниятида «Мустақиллик, маданият ва маънавият» мавзусига бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказиш режаланмоқда. Мазкур анжуманнинг асосий мақсади—мустақиллик туфайли қўлга киритилган ютуқларни илмий жиҳатдан умумлаштириб, бу соҳада ҳанузгача ўз ечимини кутиб турган муаммоларни ва уларни бартараф этиш йўлларини аниқлаб олиш ва тегишли хулосалар, тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Жандар ТУЛЕНОВ,
Ўзбекистон Республикаси ФА мухбир аъзоси, профессор.

Деҳқончиликда мўл ҳосилни таъминловчи омиллардан бири уруғ ёки кўчатнинг сифати ҳисобланади. Буни яхши билган Ўзбекистон сабзавот, полиз ва картошка экинлари илмий-тадқиқот илмгоҳи селекционерлари муҳим ишга доимо катта эътибор бериб келишади.

Бу йил ҳам илмгоҳ кўчатхоналарида кўп миқдорда сифатли, соғлом, мўл ҳосил берадиган помидор, булғор қалампири, карам ниҳоллари етиштирилди. Бундан ташқари жумҳуриятимиздаги фермер ва деҳқон хўжаликларига сотиш учун юқори ҳосилли, турли касаллик ва зараркунандаларга чидамли қишлоқ хўжалиги экинларининг элита уруғлари тайёрланди.

Айни кунларда илмгоҳнинг тажриба ерларида ҳам иш қизғин. Далаларга кўчат ўтказиш давом этяпти.

СУРАТДА: лаборант Миновар Қодирова сабзавотчилик бригадаси бошлиғи Дилмурод Дадаматов билан экилаётган ниҳолларни кўздан кечиришяпти.

Р. НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

• *Мулоҳаза*

ҚАЙСИ ТИЛНИ БИЛАСИЗ?

Ўзбекистон Республикасида 1989 йил 21 октябрда ўзбек тилига Давлат мақоми берилган эди. У пайтда ҳали мустақиллик, истиқлол ҳақида фақатгина орзу қилинарди, холос. Ҳатто, бу қонун қабул қилингандан кейин ҳам ўзбек тилини ўрганиш ва ўргатишга етарли эътибор берилмади. Фақатгина республикамиз 1991 йил 1 сентябрда Мустақил, озод мамлакат деб эълон қилингандан кейин унга сўзсиз амал қилиниши зарур эканлигига барчада, хоҳ у ўзбек бўлсин, хоҳ бошқа миллат бўлсин, бундан қатъи назар, унинг моҳияти-мазмунига эътибор ўзгарди.

Хорижий мамлакатлар билан сиёсий, иқтисодий соҳалардагина эмас, балки маданий-маърифий соҳаларда ҳам бугун жуда кўп хайрли алоқалар ўрнатиляпти. Масалан, АҚШ, Германия, Туркия каби мамлакатларда ёш республикамиздан борган олимлар у ерлик талабаларга билим беришяпти, илмий-тадқиқот ишлари олиб бориляпти. Ўқитувчилар, талабалар эса у ердаги коллежларда, йирик университетларда таълим олишяпти. Шу билан биргаликда Ўзбекистонда ҳам чет эллик олимлар ишлашяпти, ўқувчи ва талабаларга сабоқ беришяпти. Хорижий мамлакатлар талабалари республикамизнинг йирик иқтисоднёт ва техника университетларида таълим олишаётир. Масалан, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институтида 1993 йилнинг ёзида Ҳиндистон, Покистон, Хитой мамлакатларидан келган талабалар таҳсил олди.

Хўш, мустақилликнинг 2 йиллигини нишонлаган республикамизда хорижлик талабаларга қайси тилда таълим-тарбия берилянти? Минг афсуски, рус тилида. Хорижлик талабалар бир йил мобайнида фақатгина рус тилида сўзлашув нутқини ва рус тили грамматикасини ўрганишади. Албатта, бу давр мобайнида улар Ўзбекистон ҳақида, унинг қадимий ва навқирон шаҳарлари, боғ ва хиёбонлари, оламга машҳур, ноз-неъматларга бой бозорлари, дўконлари ҳақида етарли тасаввур ҳосил қилибгина қолмай, ўзлари ҳам унинг гувоҳи бўладилар. Лекин ўзбек урф-одатлари, маданияти, тарихи, бой мероси, фани ҳақида-чи? Ўзбек халқи ва унинг адабиёти ва тилини ўрганадиларми?

Худога минг қатла шукрки, республикамизда Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари билан тинчлик, осойишталик. Ўткинчи қийинчиликлар аста-секин барҳам топиб боряпти. Хорижликлар билан алоқаларимиз кучаймоқда. Кўплаб мамлакатларнинг элчихоналари очилди.

Энди шу ерда савол туғилади: хўш бу элчихоналарда ишлайдиганларнинг, чет эллардан шартнома асосида келиб ишлаётганларнинг ўғил-қизлари қайси мактабда таълим олишлари керак? Балки улар инглиз мактабларида ўзбек тили ва адабиёти, қолаверса, шу халқнинг маданияти, санъатини ҳам ўрганишлари зарурдир. Шунинг учун Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида чет эллик талаба ва ўқувчиларни ўқитиш муаммолари бўйича шуғулланувчи махсус бўлимлар очилса. Бу бўлимда ишлайдиган мутахассислар хорижий ўқувчи ва талабалар учун дастурлар, рисолалар, ўқув дарсликлари, сўзлашгичлар ва луғатлар тайёрлаб беришлари керак. Бунинг учун рус тилида нашр қилинган ана шундай ўқув қўлланмаларидан ижобий фойдаланиш мумкин. Ана шундагина ўзбек халқига, тилига ҳурмат-эътибор бошқача тарзда намоён бўлади.

Ориф ЖУМАЕВ,
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти ўқитувчиси.

МАФКУРА МАҒЗИНИ ҲАММА АНГЛАСИН

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Жиззах вилоят кенгаши партиянинг Миллий истиқлол мафкураси қоидалари ва ғояларини кенг тарғиб-ташвиқ этиш ҳамда ҳаётга жорий этишга алоҳида эътибор бермоқда.

Дўстлик туманидаги «Оқ олтин» ижара ширкатлари бирлашмасида ўтказилган ҳудудий семинар-кенгашда Дўстлик, Арнасой, Мирзачўл, Зафаробод ва Пахтакор туманлари хўжаликларининг бошланғич партия ташкилотлари котиблари ана шу масалани яна бир марта муҳокама этиб, зарур вазифаларни белгилаб олдилар.

Семинар-кенгашни қисқача кириш сўзи билан очган вилоят партия кенгаши биринчи котиби Гуландом Субҳонова бутун республикада Олий Мажлис сайловларига ҳозирлик кўрилаётган айни пайтда Миллий истиқлол мафкурасини тарғиб-ташвиқ қилиш ишларини тобора авж олдириб, бошланғич ташкилотлар иш услубларини янада такомиллаштириш ҳамда юқори поғонага кўтариш зарурлигини уқдирди.

Шундан сўнг, семинар-кенгаш иштирокчилари мазкур ширкатлар бирлашмаси раиси Раҳимжон Есенқуловнинг маъмурият ва партия ташкилоти билан ҳамкор, ҳамфикр бўлиб иш юритиб, муайян ютуқларни қўлга киритаётганлиги, партия ташкилотини нафақат партия аъзолари, балки барча меҳнаткашлар қўллаб-қувватлаётганлиги ҳақидаги мулоҳазаларини эшитиб, бу борадаги тажрибаларини ўртоқлашдилар.

Семинар-кенгаш иштирокчилари мазкур ижара ширкатлари бирлашмасининг кичик корхоналари—тегирмон, ширин маккажўхори қаламчалари ишлаб чиқариш цехи, ёғочсозлик-дурадгорлик устахонаси, ёғоч тилиш, арқон ўриш ва симтўр тўқиш цехларини бориб кўрдилар ҳамда уларда меҳнатнинг ташкил этилиши билан танишдилар. «Чашма» фермер хўжалиги соҳиби Эгамқул Мавлонов ўз шахсий фермасида сут ва гўшт ишлаб чиқариш ҳамда давлатга сотиш миқдори йил сайин кўпаяётгани ҳақида гапирди. Шуниси диққатга сазоворки, ушбу кичик корхоналар ва фермерлар ўтган йили бирлашмага қарийб юз миллион сўм фойда

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Байрам Узоқов семинар-кенгашда қатнашиб, Ўзбекистон ХДП Миллий истиқлол мафкурасининг мазмун, мақсад ва моҳиятини оммага етказишда жойларда ўтказиладиган сиёсий ўқувлар, жонли мулоқотлар ҳақадар қимматли эканлигига эътиборни жалб этди.

•

Келдиёр ЖУРАҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИҚТИСОДИЙ ЎҚУВЛАР

Республикамиз халқи фаровонлигини яхшилашнинг бирдан-бир манбаи Президентимиз бошлаб берган иқтисодий ислоҳотларни тезкорлик билан амалга оширишдан иборат. Бу эса ўз навбатида юртбошимиз ва республика Вазирлар Маҳкамаси чиқарган Фармон, қонун ва кўрсатмаларнинг оғишмай ҳаётга татбиқ этилишини тақозо этади.

Иқтисодий ислоҳотларнинг ижросини таъминлашга қаратилган ҳужжатларнинг ҳаётга татбиқ этилиши аҳоли томонидан иқтисодий билимларнинг қай даражада ўзлаштирилишига ҳам боғлиқ.

Ўзбекистон ХДП Урганч шаҳар кенгаши шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда ушбу ҳаётий муаммолар талабидан келиб чиққан ҳолда шаҳар раҳбарлари ва мутахассисларининг иқтисодий билимларини ошириш мақсадида ўқувлар ташкил қилди. Бу ўқувларнинг навбатдаги машғулотида бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг бош масалалари — мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, турли мулк шаклларини вужудга келтириш, солиқ, банк тизимлари вазифалари, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, уни иш билан таъминлаш каби бир қатор муаммолар ва уларнинг ечими тўғрисида вилоят бошқармалари, ташкилотлари раҳбарлари, банк бошқарувчиларининг маърузалари тингланди. Савол-жавоблар бўлди.

Ўқув машғулотларида ХДП Урганч шаҳар кенгаши биринчи котиби Б. Бобожонов ва шаҳар ҳокими муовини О. Ражабов иштирок этди.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«ЛОЧИН»НИНГ ПАРВОЗИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонини Денов тумани ишбилармонлари ҳам ялиқ кутиб олишди.

—Биз бу фармонни орзиқиб кутган эдик, — дейди туманнинг «Лочин» деҳқон-фермер хўжалиги бошлиғи Аҳмад Нарзуллаев.

Ҳа, иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш йўлида Президентимизнинг Фармони шубҳасиз ана шундай тадбиркорларимиз, ишбилармонларимиз қалбига чўғ ташлади. Фермер Аҳмад Нарзуллаев ҳам бор имкониятларини ишга солиб, ишни 1991 йилдаёқ бошлаган эди. У «Тожикистон» давлат хўжалигидан ўша йили 4 гектар ер олди. Шу йили 15 та қорамол олиб, боқишга киришди. Хўжаликдан келадиган фойда кундан-кунга ўсиб борди. 1991 йилда 25 тонна, 1992 йилда 35 тонна гўшт етказиб берилган бўлса, ўтган йили фақат гўшт тайёрлаш билан кифояланиб қолмасдан анча миқдорда сут ҳам тайёрлади. 1994 йилда 6 тоннадан ошириб гўшт сотишга муваффақ бўлинди. Фермер бу йил 50 тонна гўшт етказиб беришга қарор қилган.

Фермер-деҳқон хўжалиги қошида тегирмон, мойжувози ҳам қурилмоқда. Энг асосийси хўжаликда етиштириладиган маҳсулотларни қайта ишлашга ҳаракат қилинмоқда. Яқинда бу ерда сутни қайта ишлаб, пишлоқ, ёғ ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган кичик цех қурилади.

Хулоса қилиб айтганда, «Лочин»нинг лочинлари Ўзбекистонимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш учун юксак довонларни кўзлаб меҳнат қилишаётир.

Хуррам РАҲИМОВ.

МУҲИМ ТАДБИР

● Ғулистон тумани ҳокимининг қарори билан ҳафтанинг ҳар сешанбаси Фермерлар куни, деб эълон қилинди. Бундан мақсад — фермер бўлишни орзу қилаётган ва бу йўлга энди қадам қўяётган фермерларга ҳар тарафлама ёрдам кўрсатишдир.

Маълум бўлишича, энди иш бошлаётган ёш фермер ўз ҳужжатларини тўла расмийлаштириб олиши учун камида 17 та турли маҳкама ва идоралар остонасида сарғайиб туриши керак экан. Бундай «синов»ларга ҳамманинг асаби дош бериши қийин, албатта.

Шуларни эътиборга олган туман ҳокимлиги бошловчи фермерларга ёрдам беришга қарор қилди.

— Ҳафтанинг ҳар сешанбаси, яъни, Фермерлар кунида бу ҳаракатга даҳлдор бўлган барча идораларнинг раҳбарлари, туман агросаноат уюшмасига тўпланадилар. Улар шу ернинг ўзида бошловчи фермерларга ҳужжатларни расмийлаштиришда ёрдам берадилар, уларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарадилар.

Туман ҳокимлигининг бу тадбири кўпчиликка қўл келмоқда. Кейинги салкам икки ойда 37 киши ариза билан ёрдам сўраб мурожаат қилди. Йил бошидан буён фермер бўлиш истагини билдирганлар эса туманда 100 кишидан ошиб кетди.

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ ҲАМКОРЛИГИ

ЖИЗЗАХДА «НУНКЕНЬ» ТЕХНОЛОГИЯСИ

Хитой Халқ Республикаси ҳукумати раҳбарининг серқуёш Ўзбекистонимизга ташрифи арафасида чўлқуварлар диёри Жиззахда ўзбек-хитой ҳамкорлиги йўлида яна бир қадам ташланди. Бу ерда барпо этилаётган мебель фабрикасининг, бир қисмида Хитой Халқ Республикасининг «Нункень» фирмаси билан биргаликда ёғоч толали плита ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Фабриканинг мазкур цехига жиҳозлар «Нункень» фирмаси томонидан етказиб берилди. Бу жиҳозларни фирманинг етакчи мутахассислари қисқа муддатларда ўрнатиб чиқишди.

— Янги цех ишга туширилиши муносабати билан юз нафардан зиёд киши иш ўринларига эга бўлди, — дейди фабрика директори Абдураҳмон Эшматов. — «Нункень» технологияси асосида ишлайдиган цехнинг биринчи навбати йилига 1 миллион квадрат метр қурилиш материали ишлаб чиқариш қувватига эга. Цехнинг иккинчи навбати яна 3 ойдан сўнг ишга туширилади. Ўшанда унинг қуввати икки баробар ортади.

Йўлчи ЖУРА.
(ЎзА).

ФЕРМЕР ЭДИ—РАИС БЎЛДИ

Тунов куни эшитиб қолдим. Фермер хўжалиги бошлиғи раис бўлибди. Қизиқдим. Ким у? «Ҳалиги Абулқосим Холдоров-чи, ўша-да», дейишди. Билсак, Холдоров дегани ўзимизнинг Задарё туманидаги «Дўстлик» ширкат-фермер (деҳқон) хўжалиги раҳбари экан.

Танидим. Ҳақиқатан туманда биринчи ташкил этилган шундай шаклдаги хўжаликни қисқа фурсатда оёққа турғазди. Ғалла ҳосилдорлиги-ю, уни етиштириш ҳажмини қўпайтириш жиҳатидан тумандаги ўртача кўрсаткичдан ўзиб кетилди. Ўнинми? Ўнни ўтган йили хўжалик кузги буғдойдан 40 центнердан ҳосил етиштирди. Бу, туман кўрсаткичидан 8,7 центнер юқори. Ҳар центнер буғдой етиштириш таннархи туманда кўзда тутилганидан 1027 сўм арзонга тушди.

Ҳали бу ҳаммаси эмас. Бир центнер шоли етиштириш таннархи 8.000 сўм, беда пичани 389 сўм, макка силоси 98 сўмга арзонлашди. Молларни 1 центнер семиртиришга сарфланадиган харажатлар 71,360 сўм арзонга тушди. Гўшт-сут ва бошқа маҳсулотлар сотишдан 25 миллион сўм даромад олинди. Хўжалик олган фойда биласизми, қанча? Нақд 6 миллион сўмни қоралади.

Бизга маълум бўлишича, бу йил қишда бўрдоқига боқилаётган молларнинг кунлик семириши ҳам жуда юқори даражада. Шу тариқа бу йил режаси ҳам яқин фурсатда бажарилади. Май ойи ҳисобига давлатга гўшт сотиб бўлинди. Ҳар бир бўрдоқи вазни 460 килограммдан тош босади, дейишмоқда.

Чакки эмас-а? Яқинда фермер Абулқосим Холдоров туман фермер (деҳқон)лар уюшмаси раислигига сайланди. Ҳа, фермер эди — раис бўлди.

Қосимжон АКБАРОВ,
Наманган вилояти.

МУБОРАКБОД

热烈欢迎李鹏总理访问乌兹别克斯坦共和國！

衷心祝愿訪問圓滿成功！

讓中乌兩國人民的友誼進一步得到巩固和发展！

Хитой Давлат Кенгаши раҳбари Ли Пэннинг мустақил Ўзбекистонга сафарини Тошкент термослар ишлаб чиқарувчи ўзбек-хитой қўшма корхонаси меҳнат жамоаси чин кўнгилдан муборакбод этади. Бу хайрли воқеа иккала мамлакатларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини янада барқ уриб ривожланишига муносиб ҳисса қўшади.

1990 йилда иш бошлаган қўшма корхонамиз ҳозирда йилига 3 миллион дона термос ишлаб чиқариш қувватига эришган экан, бу мустақиллигимиз ва яхши дўстлигимизнинг ёркин самарасидир. 600 кишилик меҳнат жамоамизнинг бутун куч-ғайрати халқимизнинг истеъмол молларига бўлган талабини қондиришга қаратилган. Маҳсулотларимиз жаҳон бозорига чиқарилаётганлиги билан ҳам фахрланамиз. Шу кунларда Сергели туманида янги корхонамиз биноларини бунёд этиш қизғин олиб борилмоқда. У ерда келгусида йилига 2 миллион дона колба ва 50 миллион дона шиша идишлар ишлаб чиқарилади.

Ўзбекистон ва Хитой давлатлари ўртасидаги яхши ҳамкорлик алоқаларимиз бундан буён барқ уриб гуллаб-яшнашига ишончимиз комил.

Саид Султонов,

Мирзааҳмад Султонов номидаги Тошкент термослар ишлаб чиқарувчи ўзбек-хитой қўшма корхонаси бош раҳбари.

• *Тадбиркор— иқтисодиётга мададкор*

ОЙДИН ТАҚДИР

ЁКИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ САЙХУНОБОД БЎРДОҚИЧИЛИК БАЗАСИНИНГ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИГА АЙЛАНТИРИЛГАНИ ҲАҚИДА

Яқин ўтмишда шундай бўлдики, мулк тушунчаси бутунлай муаллақ ҳолатда қолди. Ҳамма бало шунда эдики, хусусий мулк бизга «ола бўжи» қилиб кўрсатилди. Жамият бизни хусусий мулкдан ҳазар қилиш руҳида тарбиялади.

Бундай тарбия қимматга тушди, албатта. Хоҳ у давлатники, хоҳ жамоаники бўлсин, умуман мулк эгасизлик жабрини чекди, ерлар ҳосилдорлиги камайди. Томорқадан юқори ҳосил олинса, жамоа ерларидан баракасиз ҳосил йиғиштирилди. Шахсий сигир билан давлат хўжалиги сигиридан соғиб олинадиган сутнинг сифати-ю ҳажми ўртасидаги тавофут кескин фарқ қилгани ҳам сир эмас. Хусусий мулк ман қилинган жамиятда аҳвол таҳминан шу тарзда эди.

Шукрки, кейинги насибамиз бутун экан. Мамлакатда эркинлик шабадаси эсди. Ўзбекистон мустақилликнинг катта йўлига тушиб олди. Мамлакат раҳбариятн одамлар турмуштирикчилигини яхшилашга алоҳида эътибор бериб турибди.

Мустақилликни биринчи навбатда иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлашнинг изчил тамойиллари ишлаб чиқилди. Бу тамойиллар шаҳд билан ҳаётга татбиқ қилиняпти. Энг муҳими, иқтисодий ўнгланишга қаратилган ислоҳотларни халқ астойдил қўллаб-қувватламоқда.

Айниқса, тадбиркорлик ва давлат мулкини хусусийлаштириш ҳақидаги Президент Фармони, ҳукумат қарорлари қишлоқ жамоатчилиги томонидан қизғин кутиб олинди. Шу ўзгаришлар ҳақида Сирдарё вилоятидаги Сайхунобод бўрдоқичиликка ихтисослашган ҳиссадорлик хўжалиги директори Муҳиддин Узоқовнинг фикрини билмоқчи бўлдик. Директор эса савол бериш-мизни кутиб ўтирмай ўз ҳикоясини бошлаб юборди.

Қуйида бўрдоқичилик базасининг ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгани ҳақидаги ҳикоянн эътиборингизга ҳавола этяпмиз.

ЧАМАЛАЙ БИЛИШ ҲАМ ҚОБИЛИЯТ

ҚИШЛОҚ ҳаммани боқади, тўйдиради. Бу ҳақиқат: ҳақиқат бўлганда ҳам ҳаётий ҳақиқат. Лекин баъзан ушбу ҳақиқатни тан олишга бўйнимиз ёр бермайди. Бозор иқтисодиёти мураккабликлари бошимизга тушгач, ўйлаб қолдик. Айримлар қишлоқнинг мўъжизакор имкониятларини тўла англаб етишмаяпти. Чакки қилишади.

«Бугун жамиятимиз шуни англаб олдики, — деди Президентимиз Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида сўзлаган нутқида, — ҳаётимизни яхшилаш, аҳоли турмуш даражасини кўтариш, иқтисодиётимизнинг самарадорлигини ошириш, халқимизни боқиш, истиқболимизни режалаш — хуллас, қандай муаммо, масалани кўрмайлик, уларнинг аксарияти биринчи навбатда қишлоқ хўжалигига бориб тақалади. Ҳаммамизни боқадиган, озиқа берадиган соҳа — қишлоқ хўжалиги тармоқларидир».

Дарҳақиқат, қишлоқ мўъжизасига тан бермай илож қанча. Кейинги пайтда мамлакатимиз раҳбарияти деҳқон ва деҳқончиликни рағбатлантирадиган жиддий чора-тадбирлар кўраётганидан бошимиз осмонга етгудай. Айни бизнинг хўжалигимиз фаолияти билан яқиндан танишган киши ислоҳотларнинг илк самараси ҳақида муайян тасаввурга эга бўлиши мумкин. Бўрдоқичилик базамиз жамоаси мустақиллик йилларида молия-хўжалик фаолиятини яхшилашга дадил интилди. Муайян ютуқларга эришилди. Давлатга гўшт топшириш 1993 йилда режадаги 356,9 тонна ўрнига 629,1 тоннага етди. Ҳар бир қорамолнинг давлатга топширилдиган тирик вазнини оширишга ҳаракат қилиняпти. Кўрилган фойда кўзда тутилганидан 96 миллион 550 минг сўм кўп бўлди. Яъни 3 миллион 297 ўрнига 100 миллион 187 минг сўм фойда олдик. Бунда хўжалик фаолиятини яхшилаш юзасидан кўрилган жиддий чора-тадбирлар муҳим роль ўйнади, албатта. Бошқарув тизимини мукаммаллаштириш, молларни озиқлантириш тартибига қатъий амал қилиш яхши натижалар берди.

Тадбиркорлик билан иш бошқарган мутахассис ютқазмайди. Яъни мутахассислар ва ўз тармоғи паст-баландини билган, ишчилар билан бамаслаҳат иш тутган раҳбар сира кам бўлмайди. Бизда маслаҳатли иш тутиш ақидасига амал қилинади. Бунинг фойдаси кўп. Ўтган йили хўжаликлардан бузоқ сотиб олиш мавсумида ўйлаб қолдик. Ёш бузоқларни кўпроқ олаверайлик десак, ем-хашакни ўйладик. Олмайлик десак, келадиган нафини чамалаб кўзимиз қиймади. Ўз ишини яхши биладиган ходимларимиз билан маслаҳатлашдик. Бош ҳисобчимиз Нуриддин Абдужабборов, молбоқарлар Абдусамад Қулжонов, Ўрол Жонгиров, ем-хашак ташувчи ҳайдовчи Холмўмин Маматқулов, далачилик фермери Облоқул Ахраев ва бошқалардан одилона маслаҳат чиқди. Таваккал қилишни айтишди. Ҳатто улар боқишни эплаймиз, деб зиммага мажбурият олишди. Кўнглимизни тўқ қилишди, ишонтиришди.

Жамоамиз вакилларининг гапидан: «Олдиндан чамалай билиш ҳам ишбилармонининг қобилияти» деган ҳикматни англадим. Шу ҳикматона маслаҳатга амал қилиб ютдик. Хўжаликнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятига бир назар ташласак, бунга иқрор бўламиз. Нима ўзгариш бўлди, денг. Ушанда кўзни чирт юмиб, ёш бузоқлардан 752 бош ўрнига 1791 бошини таваккал қилиб хўжаликлардан сотиб олдик. «Қилар ишни қилиб қўйдикми, кетжи қувайлик», деган ахд билан иш юритдик. Шу қилган ишимиз яхши якунланиши учун имкониятларни ишга солдик. Емхашак жамғаришда, уни сарфлашда ҳам мавжуд тартиб-қондага амал қилдик. Охироқибат кўрган тадбиримиздан хурсанд бўлдик. Шунинг эвазига миллионлаб сўм қўшимча фойда кўрдик. Рентабеллик умуман 5,4 дан 49 фоизга кўтарилди.

ИЗЛАГАННИНГ ОШИҒИ ОЛЧИ

ИШИМИЗ жуда силлиқ боряпти, деб хулоса чиқаришга ҳали эрта. Сотиб олишга бузоқ топсак, ем ундиролмаймиз. Бу эса моллар тирик вазнини оширишга халақит беради. Ем-у хашак ундирсак, ташиб олиш ва майдалашга техникадан қийналамиз. Бошқарув ҳамда назоратдаги қийинчиликларни-ку, айтмай қўя қолай. Шу ва бошқа қийинчиликлар, тўғриси, хўжалик раҳбарини асосий ишдан кўп чалғитган. Текширувчиларнинг хизматкорига айланиб қолган вақтларимиз кўп бўлган.

Ана шуларни ўйлаб, бугун шукр киламан. Яхшиямки, бошқарув ва назоратдаги аҳволдан ҳукумат хабардор экан. Чораси топилди. Шахсан Президентимизнинг ўзи ислоҳотни жорий қилишдаги тўсиқ ва жиддий нуқсонлар ҳақида гапириб: «Ҳар қадамда учраётган расмиятчилик»ни қоралади ва хўжаликнинг ички ишларига ҳуда-беҳудага аралашмасликни тайинлади.

Ҳукуматимиз кўрган яна бир тадбирга тан бериш керак. Тегишли хўжаликларни давлат тасарруфидан чиқаришга киришилгани зап иш бўлди. Қишлоқда ишлаётган кишиларнинг кўкрагига шамол тегди.

Мана энди, ҳақиқат қарор топяпти. Бизнинг бўрдоқичилик хўжалигимиз ҳам янгича тизимда фаолият кўрсата бошлаганини айтаман-да. Ўтган йил охирида Сирдарё вилояти хусусийлаштириш бошқармасининг йўриғи билан бизнинг Сайхунобод бўрдоқичилик базамиз ҳам давлат тасарруфидан чиқарилди — бўрдоқичиликка ихтисослашган ҳиссадорлик хўжалигига айлантирилди.

Бу нима дегани? Бу дастлаб, чорва молларига ва унга хизмат қиладиган хўжалик бинолари-ю, техника воситаларига энди жамоанинг ўзи эгалик қилади, жамоа аъзоларинки бўлади, дегани. Шу корхонага тегишли далалар ҳам катта деҳқон фермерларга бириктириб қўйилади. Ҳиссадорликка асосланган бўрдоқичиликнинг хўжалик шакли жиҳатидан фарқи, унинг шу ерда ишлаб обрў орттирган жамоа мулкига айланганидир.

БИР ЯХШИЛИККА — МИНГ ЯХШИЛИК

ТАДБИРКОРЛИК фақат маблағ ишлаб топишдан иборат, деб ўйлаш калтабинлик бўлурди. Ҳаёт талабларига бардош бериш учун қаричнинг узунроқ бўлиши керак.

Нима демоқчиман? Тадбиркор бўлдингми, атрофингга боқ! Ишда сенга мадад бераётган жамоадошларинг турмуш-тирикчилигини яхшилашда кўмакчи бўл.

Узбекистон ҳукуматининг аҳолини бозор иқтисодиётига ўтиш мушкулликларидан ортиқча қийналмай чиқиб олиши учун амалга ошираётган ишлари диққатга лойиқ. Бу йўлни астойдил қўллаб-қувватлаймиз. Шу соҳада дастлабки ишлар қилдик. Яна қатор тадбирлар белгилаб олдик. Аввалги йилларда 5 гектар майдонда мевазор яратгандик. Боғ ўтган йили ҳосилга кирди. Етиштирилган буғдойдан ҳар бир ишчига 100 килограммдан ҳаракатидамиз. Товуқхона қуриш тугалланяпти. Жўжа очириш цехи ускуналари сотиб олдик. Яқин фурсатда жўжа ошириш ишлари бошлаб юборилади.

Бошқа кичик корхоналар ҳам очмоқчимиз. Жун йигирадиган ускуналар сотиб олинди. Қўйчилик хом ашёсидан гилам тўқиш йўлга қўйилади. Унда 20 киши ишлайдиган бўлади. Ҳозирча 10 дона ускуна келтирдик. Ускуналарни ҳар қишлоққа ўрнатиш мўлжалимиз бор. Шу тариқа қишлоқ аёлларига иш топилади.

Кишиларни ижтимоий ҳимоялаш—савобли иш. Хўжалигимиз ҳудудида кичик корхоналар тармоғини кенгайтириш ниятидамиз. Хўжалигимизда мева етиштирилади. Атрофимиздаги хўжаликларда ҳам олма-ўрик бор. Шу имкониятни назарга олдик. Мевани қайта ишлайдиган цех ускуналари харид қилдик. Бу ўзига хос кичик корхонада ҳар соатда 300 килограммдан қоқи тайёрлаб чиқарилади. Ускуналарни ўрнатишга киришилди.

Корхона иқтисодини яхшилаш, чорвадорларни ижтимоий ҳимоялашда жамоамизга туман ҳокимлиги (ҳоким Ғанижон Эргашев) яқиндан амалий ёрдам кўрсатиб турибди. Бундай кўмак дастлабки самаралар бермоқда.

Фермерларимиз кўрсатилган бир яхшиликка минг яхшилик билан жавоб қайтаришларига имоним комил.

СЎНГГИ СЎЗ: Янги тузилаётган ҳиссадорлик корхона-ташкилотларнинг аксарияти ташкилий даврни бошдан кечираяпти. Уларга техника керак. Қурилиш материаллари зарур. Ем-хашак базаси лозим. Эҳтиёт қисмлар талаб этилади. Кенг кўламда ишни бошламоқчи ёки бошлаб қўйган хўжаликлар айни пайтда хизмат кўрсатадиган ташкилотлар кўмагига жуда муҳтож. Бусиз янги рўзғорни катта йўлга олиб чиқиш қийин кечади.

Муҳиддин Узоқовда тадбиркорлик фазилатлари барқ уриб турибди. Бир хўжаликда йилига миллионлаб сўм фойда олишнинг эришиш, хўжалик юритишда имкон топиши, чорвачилик самарадорлигини оширишдаги нақд натижалар ўз-ўзидан рўёбга чиқиб қолмаган, албатта.

Ўз-ўзидан... Ҳеч нарса ўз-ўзидан бунёдга келмайди. Ахир Муҳиддин Узоқов кечагина чорвадорлар сафига қўшилган мутахассис эмас. Ёш бўлса-да, амалий ишда зарур малака орттирган. Деҳқон оиласида улғайиб, мол боқиб катта бўлган. Ўзида чорвачилик мутахассиси бўлиш эҳтиёжини сезгач, Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг чорвачилик мутахассислари тайёрлаш факультетини тугатди. Ўзи ўсган Сайхунобод туманидаги Қодиркул Султонов номли жамоа хўжалиги янги мутахассисни қучоқ очиб кутиб олди. Икки йил зоотехник лавозимида ишлади. Чиниқди. Кейин шу қишлоқдаги бўрдоқичилик базасига таклиф этишди. Яна зоотехниклик қилди. Бир йил ўтар-ўтмас катта ишонч билдирилди. 1987 йили бўрдоқичилик базаси директорлигига лозим кўрилди.

Ушандан буён бўрдоқичилик истиқболи йўлида ташаббус кўрсатиб ишлаб келяпти. Насл танийдиган мутахассис мулк нималигини назарий ва амалий жиҳатдан чуқур таҳлил қилишга қодир. Мулк эгалиги афзалликлари ҳақида чуқур тасаввурга эга. Мана, Муҳиддин Узоқов бошлиқ бўрдоқичилик базаси энди ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди.

Ҳа, мулкка эгалик мақоми ўзгарди. Директорнинг завқ-шавқ билан ишлаши учун янги имкониятлар очилди. Мана, ҳиссадорликка асосланган бўрдоқибоқарлар жамоаси янги тақдир манзили сари дадил отланди. Бу бўрдоқибоқарлар учун ойдин тақдир бўлишига тилакдошмиз.

Жўра ХОЛҚОСИМОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

СУРАТДА: хўжалик раҳбари Муҳиддин Узоқов (ўртада), тажрибали молбоқарлар Абдусанд Омонлиқов ва Абдусамад Қулжонов.

• *Фанимиз заҳматкашлари*

ҲАММАСИ БОШИДАН БОШЛАНДИ...

Саҳармардон уйғониб шогирдининг диссертацияси бўйича тайёрлаган материаллар билан танишиб ўтирган Тўхтасин телефоннинг чўзиқ овозидан чўчиб тушди.

— Лаббай...

— Дадажон, туғилган кўнингиз билан ҳаммадан биринчи табриклагим келди,— дея ҳаяжонланиб гап бошлади салом-аликдан сўнг Умидахон. У шошиб-шошиб гапирарди. — Бахтимизга доимо омон бўлинг. Яна олтмиш йил умр кўринг... Ҳеч бўлмаса шу бугун вақтлироқ ишдан қайтинг, кечга томон куёвингиз, набирангиз билан уйга ўтмоқчи эдик...

Тўхтасин ака телефон гўшагини жойига қўяр экан, ўзича кулимсиради: «Минг қилгандаям тўнғич-да. Эрталабдан эслаб... Барака топсин». Кейин ҳаёл олиб қочди. Отасининг ҳамиша такрор-такрор айтадиган ўгити, босиб ўтган йўли ёдига тушди...

...Ўрта мактабни Риштонда битириб, шифокорлик касбини эгаллаш учун Тошкентга ўқишга боришга аҳд қилганида ота-онаси унга монелик билдиришмади. Фақат отаси бир гапни айтди. «Дўхтирликка ўқимоқчи бўлибсан, мен розиман. Лекин болам, шуни унутма, қайси касбни эгалламоқчи бўлсанг ҳам ишни бошидан, индаллосидан бошлагин, сира кам бўлмайсан». Дарҳақиқат, у ҳаммасини бошидан бошлади. Эллик олтинчи йили тиббиёт институтини битиргач, уни Риштон туман соғлиқни сақлаш бўлимига йўллашди. Уни бу ердан ўша даврларда машҳур пахтакор, Улуғ Ватан уруши қаҳрамони, «белоруссиялик онаси бор» деса ҳамма танийдиган Мамадали Топиболдиев раислик қилувчи «Коммунизм» колхозига юборишди. Раис тиббиётнинг қадрига етадиганлардан эди, бир кунда колхоз идорасини бўшатиб шифохонага жой ажратди. Ёш дўхтир учун нимаики анжом керак бўлса, барини муҳайё қилишга ҳаракат қилди. Тўхтасин ҳам ишни бемор қабул қилишдан эмас, шифохонани «безатишдан» бошлади. Ҳайтовур раис кўмагида колхоз шифохонаси дейишга арзигулик масканга бунёд бўлди. Тўхтасин бу ерда ҳам терапевт, ҳам жарроҳ (ТошМИни тугатиш пайтида Восит Воҳидов қўлида олган сабоғи бу ерда жуда асқотарди), ҳам педиатр, вақти келса гинеколог ҳам ўзи эди, хуллас ким қандай дард билан оғриса ҳаммани даволашга интиларди. Колхозда уни «ҳаммабоп дўхтир бола» дейишарди, бироқ колхоз шифохонасини эндигина оёққа турғазиб, ходимларга иш ўргатаётган пайтда уни туман марказий шифохонасига чақириб олишди. Бу ерда ҳам ишни бошидан — касалхонани жиҳозлашу, зарур анжомларни қидириб топишдан бошлади.

Ҳаш-паш дегунча ўн йил ҳам ўтди. Домлалари уни тез-тез йўқлаб, институтга қайтиб, илмий иш қилишга чақиришарди. Тошкентга, ўз институти бағрига қайтган врачга устози, машҳур олима, академик Зулфия Умидова:

— Сизда тажриба етарли, илмий иш учун минтақамизда кўп учрайдиган, бироқ шу пайтгача деярли ўрганилмаган бўғим-бод — ревматоидли артрит хасталиги билан қизиқиб кўрсангиз, — дея ўз таклифини айтди.

Номзодлик ишининг мавзуи аниқ бўлгач, Тўхтасин Солиев собиқ СССР Медицина Фанлари академиясининг Ревматизм институтида профессор М. Г. Астапенко раҳбарлигида таҳсил олди. Тошкентга қайтгач, амалий билимини яна тажрибада синашга киришди. Шаҳримизнинг эски маҳаллалар жойлашган Самарқанд дарвоза тарафидаги хонадонларга бирма-бир кириб, беш минг аҳолини тиббий кўрикдан ўтказди. Юз нафардан бешолти кишида тахмин қилинган бўғим-бод хасталиги аниқланди. Бу беморлардан замонавий лабораторияларда ҳар томонлама биокимёвий анализлар олинди. Турли асбоб-ускуналар билан текширишлар ўтказилди. Бўлажак олим иссиқ иқлим шароитида хасталикнинг тарқалиши, унинг клиник шакллари, кечиш хусусиятлари, уларга аниқ ва ўз вақтида ташхис қўйишни чуқур ўрганиш билан бирга ҳозирги даврга мос даволаш усулларини, бунда айниқса муайян гиёҳлардан оқилона фойдаланиш йўлларини ҳам илмий жиҳатдан асослаб берди. Текширишлар, олиб борилган кузатув ишлари шуни кўрсатдики, мазкур хасталикнинг тарқалиши бошқа жойлардагидан фарқ қилмайдию, бироқ унинг кечиш хусусиятлари ўзига хос эди. У ана шу ўзига хосликни ҳал этди. Шу йўсинда Тўхтасин Солиев етмишинчи йиллари номзодлик диссертациясини ёқлади.

У яна тинчимади. Энди уни халқ орасида «бой касал» деб ном олган подагра хасталиги қизиқтириб қўйди. Нафақат Ўзбекистонда, ўша пайтдаги Совет Иттифоқида ҳам ўрганилмаган бу касалликни аниқлаш ҳам осон кўчмади. Тўрт юзга яқин беморнинг дардини обдон ўрганиб, уларни тоифаларга бўлиб, парҳез таом билан даволашни йўлга қўйди. Беморлар устида олиб борилган тажрибалар, кузатувлар тўпланиб, «Ўзбекистонда подагра» монографиясига асос бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур китоб Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги сўнгги йигирма беш йил ичида шу мавзуга бағишланган республика терапевт ва ревматологлари учун ягона ва энг зарур дастур ҳисобланади. Ана шу китоб Тўхтасин Солиев докторлик ишининг асоси бўлди. Бироқ олим тўқсон биринчи йилдаёқ профессорлик унвонига сазовор бўлганди. Докторлик даражасига эса кейин ҳимоя қилиб эришди.

Ўзбекистонда ревмотология хизмати, ревматолог ва ортролог ҳакимлар мактабининг ижодкори профессор Т. Солиев Тошкент Давлат тиббиёт институти қошида ревматология ва артрология касалликларини аниқлаш, даволаш республика маркази ташкил қилиш ташаббускоридир. Мазкур марказ тўқсон биринчи йили ихтисослашган амбулаторияда даволаш курси (ИАДК — СКАЛ) туридаги Республика артрология марказига айлантирилди. Бугунги кунда эса шунга ўхшаш марказни ташкил этиш ва фаолият кўрсатиш тажрибаси Ўзбекистоннинг ҳамма йирик шаҳарлари, туманларига ёйилмоқда. Марказ ишининг афзаллиги шундаки, бу ердаги мавжуд поликлиникага мурожаат қилган бемор шу ернинг ўзидаги диагностика марказидан ҳамма текшириш натижаларини олади. Шунга кўра шифокор дори-дармонларни тавсия этибгина қолмай, беморни зарур дорилар билан таъминлайди ҳам. Жуда зарур топса, беморни ўша заҳотиёқ марказ шифохонасига ётқизади. Энг муҳими, беморнинг дарддан фориғ бўлиши учун бу ерда ҳамма шароит мавжуд. Тўғри, ҳали яна кўп ишлар қилиниши лозим. Польшада малака ошириб келган мутахассислар билимини кенгроқ ёйиш, яна янги кадрлар тайёрлаш даркор. Шуларнинг барига тиббиёт фанлари доктори, профессор, республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош ревматологи Тўхтасин Солиев бошқош.

У қаердадир ўқиганди. Тиб илмининг султони, буюк ҳаким Ибн Сино «Берган дорим — шифо десанг хато қиласан. Ширин тил, хўш-муомала, кулгу-табассум билан бемор дардига даво топилади. Бемор қўпол бўлса, ҳаким мулойим бўлиши, бемор ноумид бўлса, ҳаким умидли бўлиши, бемор хўмрайса ҳаким кулиши керак — биринчи даво шу. Ҳакимда шулар бўлмаса, у ҳаким эмас, балки ўлимни яқинлаштирувчи Азроилдир», деб таълим берарканд ўз шогирдларига. Тўхтасин ака ҳамиша янги беморни қабул қилаётганида буюк табибнинг шу ўгитини эслайди, шогирдларига ҳам шуни уқтиради.

Умида ФАИЗИЕВА.

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ШАРҲЛАР

ОЛМОНИЯ ФИРМАСИ

● Олмониянинг таниқли «Пипенброк» фирмаси ғиждувонда болалар озиқ-овқати ишлаб чиқарадиган завод қуриб берадиган бўлди.

Ҳар иккала томоннинг олиб борган музокарасига кўра ғиждувонликлар завод эвазига «Пипенброк»ка пахта толаси жўнатадилар. Завод ишга тушгач, соатига 800 килограмм болалар озиқ-овқати ишлаб чиқариш мумкин.

ҲАМКОРЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

●Бухорода хусусий эркаклар лицейи ташкил бўлганига кўп бўлгани йўқ.

Кўплаб бухороликлар таълим олаётган бу лицей маъмурияти ўқувчилар ўртасида ҳар хил тадбирлар ўтказмоқда. Яқинда бу ерда Ўзбекистон мустақиллиги, тинчлик ва халқлар дўстлигини мадҳ этувчи энг яхши шеърлар танловига якун ясалди. Унда 9-синф ўқувчиси Раҳим Рўзиев қаламига мансуб шеър биринчи ўринга муносиб, деб топилди. Р. Рўзиевга 100 минг сўм-купон мукофот берилди.

ОЧИҚ МУЛОҚОТ

● Маълумки, 1997 йилда қадимий Бухоронинг 2500 йиллиги жаҳон миқёсида нишонланади. Шу муносабат билан вилоятда юбилейга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди, турли тадбирлар ўтказилмоқда.

Яқинда Бухоро давлат университетининг тарих факультетида очиқ мулоқот бўлиб ўтди. Унда университет ректори, профессор К. Муқимов, ректор муовини, профессор Ғ. Зикриллаев, профессорлардан С. Иноятов, Ф. Қосимов, доцентлар И. Мардонов, А. Жумаев, А. Ғафуров ва бошқалар сўзга чиқиб, тарихий жараёнларни аниқ ва асосли ёритиш тарихчи олимлар зиммасида эканлиги, 1995 йилда ўтказиладиган илмий-амалий конференцияга тайёргарлик кўриш, илмий ишлар танловини уюштириш лозимлиги хусусида фикр билдирдилар.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози»нинг Бухоро вилояти бўйича мухбири.

• *Олим таклиф этади*

ОҲАНРАБО УЧ МИНГ ЙИЛ ОЛДИН ВА КЕЙИН

Магнит ҳодисалари физикаси физика фани ичида энг қадимгиси ва энг навқирони ҳисобланади. М. Капцов «Магнит уч минг йил олдин» китобида Самарқанд бозорида эски майда-чуйда нарсаларни сотиб ўтирган одамдан оҳанрабо (магнит) минералини сотиб олганлигини ва бу тошда «Ҳамма дардга даво» деган хитой ёзуви ҳам бор эканини ёзади. Сотувчиси эса Шоҳи-Зинда мақбарасининг қаровчиси экан. Маълум бўлишича, бу магнит буюмларини Буюк ипак йўли орқали савдогарлар Хитойдан олиб келиб, Самарқанд бозорларида сотар экан. Ҳозирги вақтда магнит материалларини, жумладан, доимий магнитларни жаҳон бозорида ишлаб чиқариш бўйича АҚШ илмий журналларидан бирининг маълумотларига кўра, Японияда 53,9 фоиз, АҚШда 20,2 Ғарбий Европада 17,1 бошқа мамлакатларда 8,8 фоизни ташкил қилади. Магнит материалларини жаҳон бозорида сотиш эса 1988 йил маълумотлари бўйича АҚШда 355 миллион доллар, Японияда 945 миллион, Европада 300 миллион, бошқа мамлакатларда 155 миллион, жаҳон бўйича 1755 миллион долларни ташкил қилади ва унинг нархи яна ошиб бормоқда. Бироқ мустақил Ўзбекистонимизда биронта ҳам магнит материали ишлаб чиқарадиган корхона йўқлиги ачинарли ҳолдир. Ваҳолонки, магнит энергиясидан фойдаланиш қуёш, ядро ва лазер энергиясига нисбатан бирмунча арзон. Шунга қарамай, физика фани ва техникада қўлланилиши жиҳатидан энг кўп ўрин тутадиган магнит ҳодисалар физикаси билан фақат Самарқанд Давлат университетида битта кафедра ва Тошкент Давлат университетида биргина лаборатория шуғулланади.

Маълумотлар шуни кўрсатадики, республикамизда бу муҳим соҳани ривожлантириш пайти аллақачон етган. Кези келганда шуни айтиш жоизки, Республика Фанлар академияси таркибида, шу жумладан, унинг Самарқанд бўлимида магнетизм бўлими ташкил қилиш керак. Бундай бўлим учун Самарқанд Давлат университетида моддий база ва кадрлар етарли. Ҳозир бу ерда ва Самарқанддаги бошқа олий ўқув юртларида йигирмага яқин фан номзоди ва бир фан доктори мавжуд. Самарқанд университетида ҳар йили магнетизм бўйича 20—25 нафар мутахассис тайёрланмоқда. Мазкур олий ўқув юртида моддаларнинг турли хил ҳолатда (қаттиқ, суюқ ва аморф) магнит, гальваномагнит, механомагнит усуллари билан ўлчайдиган қурилмалар яратилган. Бу йўналишларда Самарқанд Давлат университети олимлари юздан ортиқ илмий мақолалар чоп этган ва халқаро конференцияларда қатнашган.

Самарқандда магнетизм бўйича илмий тадқиқотларнинг ривожланишига 1971 йилда бу ерда ўтказилган магнетизм бўйича Европа давлатлари олимларининг халқаро симпозиуми туртки бўлганди. Ўтган вақт мобайнида аморф металлар ва қотишмалар магнетизмини юқори температурада ўрганиш натижасида янги типдаги магнит материаллар олишга муваффақ бўлинди. Бу материаллар назарий металлургия, физика, химия, биология, тиббиёт ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида кенг қўлланилиши мумкин. Шундай экан, бу соҳани тезроқ ривожлантириш айни муддаодир.

Облоқул ҚУВОНДИҚОВ, Самарқанд Давлат университети магнит ҳодисалари физикаси кафедрасининг мудири, физика-математика фанлари доктори, профессор.

ҲАҚ-ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

САВОЛ: Биз 18 ёшга тўлдик. Ҳарбий хизмат — йигитлик бурчимиз. Мабодо шу хизматдан бош тортилса қандай жазо берилади?

А. СУЯРОВ, К. ҲАМИДОВ, Фарғона шаҳри.

ЖАВОБ: Ҳарбий хизматга сафарбарликдан бош тортганлик учун қонунчилик жиноий жавобгарликни белгилаган. Бундай ҳоллар учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 71-моддаси билан (янги таҳрирда) 3 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум қилинади.

САВОЛ: Мен комбинатда усталик вазифасида ишлаб келмоқдаман. Яқинда омборхонада камомад аниқланиб, иш терговга топширилган. Мен уста бўлганим учун бу масалада жиноий жавобгарликка тортилишим мумкин эмиш. Қонунда қандай?

С. КАРИМОВ, Тошкент шаҳри.

ЖАВОБ: Ходимга ишониб топширилган ўзганинг молмулкини ўзлаштириш ёки камомад қилиш, ё бўлмаса хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 130-моддаси билан айбланиши ва беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиниши мумкин.

Агар бундай ҳаракат такроран ёки бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилса, мол-мулки мусодара қилиниб, (ёки мусодара қилинмай), тўрт йилдан саккиз йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши мумкин.

САВОЛ: Менинг турмуш ўртоғим суд ҳукми билан бир неча йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. У киши нафақахўр эди. Энди пенсияни олмай қўйдик. Қондага кўра пенсияни қачонгача олмаймиз?

Х. ТОЛИПОВА, Самарқанд шаҳри.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикасининг давлат пенсияси ҳақидаги Қонуннинг 62-моддасига мувофиқ пенсионер озодликдан маҳрум қилинган тақдирда тайинланган нафақани тўлаш озодликдан маҳрум қилинган давр учун тўхтатиб қўйилади.

Бундай тартиб сизнинг турмуш ўртоғингизга ҳам тааллуқлидир.

САВОЛ: Пенсия ёшидан ошдим. Ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилганимга ҳам 2 ой бўлди. Ҳанузгача пенсия тайинланмади. Қайси вақтдан бошлаб мен пенсия ҳақини олишим мумкин?

С. ҚОБИЛОВ, Тошкент шаҳри.

ЖАВОБ: Хатингизнинг мазмунига қараганда пенсия ёшига тўлганингизга икки ой бўлган ва пенсия тайинланиши ҳақида мурожаат қилгансиз, шундайми? Демак, сизга мурожаат этган кунингиздан бошлаб пенсия ҳақи берилади.

А. ҲАСАНОВ, ҳуқуқшунос.

• **ҚУТЛОВ** •



Меҳрибон отамиз Мирсоат Мирҳамидович ҲАМИДОВни 45 ёшга тўлишлари муносабати билан чин қалбдан табриклаймиз.

Отажонимиз Тошкент Бош планини илмий тадқиқотлаш ва лойиҳалаштириш институтида меъмор касбини ардоқлаб, қарийб 21 йилдан буён самарали меҳнат қилиб, халқ хўжалигини ривожлантириш ишига ҳисса қўшиб келмоқда.

Бахтимизга доимо омон бўлинг! Сиҳат-саломатлик, ишингизга муваффақият, хонадонимизга бахт-саодат тилаб эҳтиром билан: Рафиқангиз — Замира, фарзандларингиз: Наврўз, Музроб, Нодир, Музаффар, Зулфия.

Чилонзорнинг 1-даҳасида жойлашган, хусусийлаштирилган 2 хонали квартира ижарага берилади ёки

СОТИЛАДИ

Телефон: 33-23-18.

• *Футбол*

КЎРМАГАНЛАР АРМОНДА

ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ТУРНИРИ

Бир пайтлар «Пахтакор» учун энг ноқулай команда «Черноморец» (Одесса), «Заря» (Ворошиловград) ва «Қайрат» (Олмаота) ҳисобланарди. Мухлислар яхши билишади, ўйин хоҳ Тошкентда, хоҳ Олмаотада бўлсин «Қайрат» ва «Пахтакор» учрашуви ҳамиша жанговар ва қизиқарли ўтган. Аслида футбол ишқибозларига шундай ўйинлар керак. Ўша даврларда бу икки жамоа учрашуви кунлари стадион томошабинлар билан тўларди.

Қозоғистон миллий жамоаси турнирдаги биринчи учрашувни Тожикистон миллий терма жамоаси билан ўтказиб, ғалаба қилди. Ўйиннинг биринчи қисмида ҳисоб очилмади. 46-минутда киритилган ягона тўп ўйин тақдирини ҳал қилди. Тўғри, ҳисоб янада бошқачароқ бўлиши мумкин эди. Қозоғистонликлар икки бор ўн бир метрли жарима тўпини кирита олишмади.

Марказий ҳарбий спорт клуби стадионидаги учрашув тугаши билан ҳар икки жамоа «Пахтакор» стадионига йўл олиб, халқаро мусобақанинг очилишида қатнашишди. Айни пайтда улар Ўзбекистон ва Туркманистон миллий терма жамоалари ўртасидаги ўйинни кузатдилар. Сабаби, қозоғистонликлар иккинчи учрашувни Ўзбекистон билан ўтказишарди. Рақиб жамоанинг ўйин тактикасини ўрганиш керак, эди-да...

«Пахтакор» стадиони бу гал ҳам томошабинлар билан гавжумлашди. Ҳакам футболчиларни майдон ўртасига таклиф қилади. Шундай қилиб, Ўзбекистон — Қозоғистон миллий терма жамоалари учрашуви бошланди. Ҳар икки команда футболчилари ҳимояда пухта ўйнаб, асосий эътиборни ҳужумга қаратишди. Биринчи бўлимда Шуҳрат Мақсудов, Абдуқаҳҳор Маъруфалиев, Рустам Абдуллаевлар ҳар қанча уринишмасин, тўп кирита олмадилар. Танаффус. Таблода ҳамон ўзгариш йўқ. — 0:0.

Туркманистонликлар билан бўлиб ўтган учрашувда чиройли ўйин кўрсатган Нўъмон Ҳасанов иккинчи бўлимда Шуҳрат Мақсудов ўрнига майдонга тушди. Ўйин янада жонланди. Мамлакатимиз футболчилари кетмакет ҳужум уюштиришди. Дастлаб Ҳасанов, кейин Абдуллаев яқин масофадан дарвозани нишонга олишолмади. Стадионга йиғилганлар жамоамизни қарсагу олқишлар билан қўллаб турди. Рақиблар ҳам бўш келишгани йўқ. Қарши ҳужумга ўтиб, дарвозабонимиз Олланиёзовни шошириб қўйишди. Лекин голдан дарак йўқ. Тўп Нўъмон Ҳасановга оширилди. У уч ҳимоячини алдаб, жарима майдонига кириб борди. Лекин, меҳмонлар Нўъмонни чалиб йиқитишди. Ҳакам ҳеч иккиланмасдан 11 метрли жарима тўпи белгилади. Жарима тўпини Тихонов тепди. Г-о-л! Ниҳоят ҳисоб очилди. Ишқибозлар ҳайқириғи янгради. Ана шу ҳисоб ўйин охиригача ўзгармади. Мамлакатимиз футболчилари иккинчи ғалабага эришишди.

Шу куни халқаро турнирнинг яна бир учрашуви МҲСК стадионида бўлиб ўтди. Туркманистон — Қирғизистон — 5:1. Туркманистонликларни 4:0, Қозоғистонни 1:0 ҳисобида енгган юртдошларимиз учинчи турда дам олишиб Тожикистон миллий терма жамоаси билан бўладиган учрашувга ҳозирлик кўришди. Тожикистонликлар эса Қозоғистон ва Қирғизистон футболчилари билан баҳслашдилар.

Дам олиш кўни ишқибозлар яна бир қизиқарли ўйинни томоша қилишди. Бу гал ўзбекистонликлар Тожикистон жамоасига рўбарў бўлишди. Ҳамюртларимизнинг рақибларидан анча устунлиги кўринди. Тожикистон командаси ҳам анойи эмасди. Ўйиннинг 1:1 ҳисобида якунланиши ҳам шундан далолат. Шундай қилиб ўзбекистонликлар биринчи марта ўз дарвозаларидан тўп ўтказиб юборишди. Қозоғистон — Қирғизистон командалари учрашуви ҳам дуранг бўлди — 0:0. Беш очко тўплаган Ўзбекистон миллий терма командаси олдинда боряпти.

Бугун Халқаро турнирнинг якунловчи ўйинлари бўлади. Ўзбекистон — Қирғизистон, Туркманистон — Тожикистон миллий терма жамоалари ўзаро учрашадилар.

Равшан ШОДИЕВ.

П О Л В О Н

Бирор ўзбек йигити йўқки, болалигида кураш тушмаган бўлса. Бобомерос курашга ҳозирда ҳам йигитларимизнинг иҳлоси баланд. Бирор хонадонда ўғил туғилса, умид билан полвон йигит бўлсин, деймиз. Қашқадарё, Сурхон воҳасида суннат тўйлари курашсиз ўтмайди ҳисоб. Ана шунинг учун бўлса керак, қаршилик Алишер Мухторов ҳам болалигидан курашга тушиб спортнинг дзю-до тури бўйича бир неча халқаро ва республика мусобақаларида совринли ўринларни қўлга киритган.

Дзю-до бўйича республика терма командаси аъзоси Алишер ҳозирда Қарши Давлат университетининг жисмоний тарбия факультетида таҳсил олаётир. У яқинда Москвада дзю-до бўйича бўлиб ўтган халқаро турнирда ўз вазни бўйича фахрли иккинчи ўринни эгаллади.

Алишер шу кунларда Англия очиқ биринчилигига тайёргарлик кўрмоқда. Ниятимиз — полвонларимиз сарҳадлар оша ғолиб келаверсин. Мустақил мамлакатимиз байроғи эса янада баландроқ ҳилпирайверсин.

СУРАТДА: Алишер Мухторов (ўртада) дўстлари давраси да.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.

ҲАР КИМКИ ЁМОН БЎЛСА, ЖАЗО ТОПҚУСИДИР

СЎНГГИ БЕКАТ

Метро энг қулай ва арзон транспорт воситаси ҳисобланади. У ёзда салқин, қишда ёғин-сочиндан пана бўлгани билан ҳам йўловчибоп.

Бироқ, бу ерда ҳам одамларнинг ҳаловатини бузадиган, ҳаётига хавф соладиганлар учраб тургани ёмон. «Чилонзор» метро бекатида кийимлари йиртилиб, юзқўллари қонга беланган йигит милицияга арз қилди. Хўш, жейин нима бўлди? Зўравон топилдими?

Бу ҳақда Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси метрони қўриқлаш бўлимининг бўлима командири, милиция майори Рихсатилло Қамбаров шундай дейди:

— Ўша заҳотиёқ тегишли чора-тадбирлар қўллашга тушдик. Метро ходимларидан, поезд ҳайдовчисини огоҳлантиришларини сўрадик. «Собир Раҳимов» бекатида тезкор гуруҳ шай ҳолатда турди. Орадан 2-3 минут ўтмасдан поезд сўнгги бекатда тўхтади. Келишилганидек, ҳайдовчи вагон эшикларини очмай турди. Биз тезда босқиччилар жойлашган вагонни топдик ва биронта ҳам йўловчига сиён етказмай бешала зўравонни қўлга олдик. Уларнинг ёнидан йўловчи Н.дан ўғрлик билан тортиб олинган кийимкечак, пул ва бошқа буюмлар топилди.

Ҳозир бу босқиччилик жиноятининг бўйича тергов ишлари олиб борилмоқда.

Мирзараҳим МАМАЖОНОВ, Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси матбуот хизмати ходими.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2-Тошкент Давлат тиббиёт институти ректори, профессор Ҳомид Каримовга онаси

Муаззам КАРИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат университети ректорати, механика-математика факультети жамоаси дифференциал тенгламалар кафедраси доценти Б. Ҳайдаровга падари бузруквори

Қаюмжон Жўраевич ҲАЙДАРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир АЗИМ СУЮН

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-21-43.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-26-70.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.

Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.

Шароф Рашидов фонди — 33-34-69, 33-20-36.

Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 5-27-11; Бухорода — 3-96-12; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-46-24; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58-83; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-3716.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди — 22.00.
Г — 890 тир. 85501.

Навбатчилар: Ҳ. НОСИРОВ, М. ҚИЁМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «БуюкТурон» кўчаси 41-уй.

123456.